



ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

ВЕСТНИК ЮРИСТА * LAWYER HERALD

ХУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ, ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ



CYBERLENINKA

crossref

научная электронная
библиотека
eLIBRARY.RU



ISSN 2181-9416

Doi Journal 10.26739/2181-9416

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

3 СОН, 1 ЖИЛД

ВЕСТНИК ЮРИСТА

НОМЕР 3, ВЫПУСК 1

LAWYER HERALD

VOLUME 3, ISSUE 1



TOSHKENT-2020

МУНДАРИЖА/СОДЕРЖАНИЕ/CONTENT

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ. МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ

1.МАХМУДОВ Фируз Бахтиёр ўғли

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИГИДА ДАВЛАТ
ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТЧИЛАРИ УЧУН ЎРНАТИЛГАН ТАҚИҚ ВА
ЧЕКЛОВ МАСАЛАЛАРИ.....8

2.НАРИМАНОВ Бекзод Абдувалиевич

ЎЗБЕКИСТОНДА НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАР ТАРИХИ ВА
РИВОЖЛАНИШИННИНГ АСОСИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ.....18

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ҲУСУСИЙ ҲУҚУҚ

3.ИСМАИЛОВ Баходир Исламович, Маманов Сардоржон Собир ўғли

ФОРМИРОВАНИЕ СИСТЕМ КОМПЛАЕНС КОНТРОЛЯ КАК
ЭФФЕКТИВНОГО ИНСТРУМЕНТА ПРОТИВОДЕЙСТВИЯ КОРРУПЦИИ
В ЧАСТНОМ СЕКТОРЕ.....30

4.АБДУЛЛАЕВ Хуршидjon Назрullo ўғли

АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ТАШКИЛИЙ- ҲУҚУҚИЙ
АСОСЛАРИ.....37

5.JAMOLOV Azizjon

TERM OF SUBJECTS OF INVESTMENT ACTIVITY: THEORETICAL AND
COMPARATIVE LEGAL ANALYSIS.....44

6.EGAMOVA Dilrabo Talibovna

KREDIT TALABLARI BO'YICHA INTELLEKTUAL MULK OBYEKTLARIGA
NISBATAN UNDIRUVNI QARATISH MASALALARI.....49

7.АХРОРҚУЛОВ Анвар

НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ МУЛКИЙ
АСОСЛАРИ.....56

8.АЛМОСОВА Шаҳноза

ТРИПС БИТИМИ НОРМАЛАРИНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ҚОНУНЧИЛИГИГА ИМПЛЕМЕНТАЦИЯ ҚИЛИШ
МУАММОЛАРИ.....63

ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ИҚТИСОДИЙ ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ҲАКАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ

9.ОТАХОНОВ Фозилжон Хайдарович

НИЗОЛАРНИ МУҚОБИЛ ҲАЛ ЭТИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ
МЕХАНИЗМЛАРИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА.....72

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ, ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ. КРИМИНОЛОГИЯ. ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҲУҚУҚИ

10.КАРАКЕТОВА Дилноза Юлдашевна

ОФИРЛАШТИРУВЧИ ҲОЛАТ СИФАТИДА ЁШ БОЛА, ҚАРИЯ, НОГИРОН
ЁКИ ОЖИЗ АҲВОЛДАГИ ШАХСЛАРНИ ХЎРЛАБ СОДИР ЭТИЛГАН
БЕЗОРИЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК.....80

11.ХЎЖАҚУЛОВ Сиёвуш Бахтиёрович

МУНДАРИЖА/СОДЕРЖАНИЕ/CONTENT

ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР УМУМИЙ ПРОФИЛАКТИКАСИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАВСИФИ.....88

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ. КРИМИНАЛИСТИКА, ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ҲУҚУҚ ВА СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ

12.МАТЧАНОВ Алимжан Атабаевич

УГОЛОВНО-ПРОЦЕССУАЛЬНЫЕ ОСОБЕННОСТИ ДОКАЗЫВАНИЯ ПРИ РАССЛЕДОВАНИИ КИБЕРПРЕСТУПЛЕНИ.....96

13.ЮГАЙ Людмила Юрьевна

ОСНОВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ РАЗВИТИЯ СУДЕБНОЙ ЭКСПЕРТИЗЫ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН.....104

14.ЗУЛФУҚОРОВ Абдувахоб Абдумалик ўғли

ЙЎЛ-ТРАНСПОРТ ҲОДИСАСИ БЎЙИЧА ТРАСОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.....112

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

15.СУЛАЙМАНОВ Одилжон Раббимович

ХАЛҚАРО ВА МИНТАҚАВИЙ ҲУЖЖАТЛАРДА ИШНИНГ МУСТАҚИЛ ВА ХОЛИС СУД ТОМОНИДАН КЎРИБ ЧИҚИЛИШИ ҲУҚУҚИ.....118

16.ГАФФАРОВА Шахноза Нуритдиновна

ЎЗБЕКИСТОНДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ВА ЭРКАКЛАР ТЕНГ ҲУҚУҚЛИЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ.....126

ҲУҚУҚИЙ АМАЛИЁТ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

17.АЛИМОВ Гайбулла Алимович

ЮРИДИК ШАХСЛАР ЖАВОБГАРЛИГИ: АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИ ТАЖРИБАСИ.....134

18.ХАМДАМОВА Фируза Уразалиевна

"ОДИН ПОЯС, ОДИН ПУТЬ" КАК СРЕДСТВО КУЛЬТУРНОЙ ИНТЕГРАЦИИ, ИНСТРУМЕНТ УКРЕПЛЕНИЯ МЕЖДУНАРОДНЫХ НАУЧНЫХ СВЯЗЕЙ ИИ КАТАЛИЗАТОР РАЗВИТИЯ НАУКИ В ЭПОХУ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ.....141

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ИҚТИСОДИЙ ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ҲАКАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ

ОТАХОНОВ Фозилжон Хайдарович

Юристлар малакасини ошириш маркази амалий лойиҳа раҳбари,
юридик фанлар доктори, профессионал медиатор
E-mail: haydarxon@mail.ru

НИЗОЛАРНИ МУҚОБИЛ ҲАЛ ЭТИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): ОТАХОНОВ Ф.Х. НИЗОЛАРНИ МУҚОБИЛ ҲАЛ ЭТИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА// Юрист ахборотномаси - Вестник юриста - Lawyer herald. № 3 (2020), Б.72-79.



№3 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-3-9>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 июнданги "Низоларни муқобил ҳал этишнинг механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ти ПҚ-4754-сон қарорининг мазмун-моҳияти ва илмий-амалий аҳамияти ёритилган ҳамда ҳакамлик муҳокамасига оид амалдаги қонунларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш бўйича илмий асослантирилган таклиф ва тавсиялар илгари сурилган.

Калит сўзлар: апелляция кенгаши, марказ, медиация, профессионал медиатор, халқаро арбитраж, ҳакамлик суди.

ОТАХОНОВ Фозилжон Хайдарович

Руководитель проекта Центра повышении квалификации юристов при Министерстве юстиции Республики Узбекистан, доктор юридических наук, профессиональный медиатор
E-mail: haydarxon@mail.ru

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ОРГАНИЗАЦИОННО-ПРАВОВЫХ МЕХАНИЗМОВ АЛЬТЕРНАТИВНОГО РАЗРЕШЕНИЯ СПОРОВ

АННОТАЦИЯ

В данной статье изложены содержание и научно-практическое значение постановления Президента Республики Узбекистан от 17 июня 2020 г. № ПП-4754 "О мерах по дальнейшему совершенствованию механизмов альтернативного разрешения споров", также автором выдвинуты научно обоснованные предложения по внесению изменений в действующее законодательство о третейском разбирательстве.

Ключевые слова: апелляционный совет, центр медиации, медиация, медиатор, международный арбитраж, третейский суд.

OTAKHONOV Foziljon

Project manager of the at the Lawers' Training Center under the Ministry of
Justice of the Republic of Uzbekistan,
Doctor of Law Sciences,
professional mediator
E-mail: haydarxon@mail.ru

IMPROVEMENT OF ORGANIZATIONAL LEGAL MECHANISMS OF ALTERNATIVE DISPUTES RESOLUTION

ANNOTATION

This article outlines the content and scientific and practical significance of the decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated June 17, 2020 No. PP-4754 "On measures to further improve the mechanisms for alternative dispute resolution", as well as scientifically substantiated proposals for amending existing laws on arbitration.

Keywords: board of appeals, center, mediation, professional mediator, international arbitration, arbitration court.

Мамлакатимизда сўнгги йилларида амалга оширилган кенг қўламли ислоҳотлар, жисмоний ва юридик шахсларнинг хуқуқ ва қонуний манфатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга, иқтисодиётда маъмурий-буйруқбозликка асосланган бошқарув тизимидан воз кечилиб, бозор ислоҳотлари босқичма-босқич амалга оширилгани кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун кенг имкониятлар ва қулай шароитлар яратилишига хизмат қилмоқда.

Хуқуқни қўллаш амалиётида, ижтимоий ҳаётда турли субъектларнинг манфаатлари тўқнашуви, улар ўртасида баҳс-мунозаралар ва низолар келиб чиқиши табиий. Низоларни ҳал этиш тизими уларни суд орқали ва муқобил усувлар билан ҳал қилишни ўз ичига олади. Низоларни муқобил ҳал қилиш усувлари сифатида медиация ва ҳакамлик сударининг ҳуқуқий асослари яратилган. Хусусан, "Ҳакамлик судлари тўғрисида" [1] ва "Медиация тўғрисида" [2] Қонунлар қабул қилинган.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда 240 дан ортиқ ҳакамлик судлари фаолият юритмоқда, шундан 15 таси Савдо-саноат палатаси тизимида ташкил қилинган ва 40 дан ортиқ профессионал медиаторлар тайёрланди.

Аммо, ушбу соҳада ислоҳотларнинг ҳозирги босқичи давлат органларида низоларни судгача кўриб чиқишининг ягона тизимини яратиш, медиация, ҳакамлик судлари ҳамда ҳалқаро арбитражларни фуқаролар ҳамда тадбиркорларнинг ишончига сазовор бўладиган низоларни ҳал этувчи самарали муқобил институтларга айлантириш лозимлигини тақозо этмоқда.

Шунинг учун ҳам жисмоний ва юридик шахсларнинг хуқуqlари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, низоларни ҳал

қилишнинг муқобил имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, судларда иш ҳажмини мақбуллаштиришда медиация институти, ҳакамлик судлари ва халқаро арбитражларнинг ролини тубдан ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 июндаги "Низоларни муқобил ҳал этишнинг механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4754-сон қарори [3] қабул қилинди.

Мазкур қарорда низоларни муқобил ҳал этишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар белгиланди. Қуйида уларга батафсилроқ тўхталамиз.

Хусусан, Қарорда давлат органлари бўлган Давлат божхона қўмитаси, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ҳамда Наманган, Бухоро ва Тошкент вилоятлари ҳокимликларида эксперимент тарзида Жисмоний ва юридик шахслар ҳамда давлат органлари ўртасидаги низоларни судгача ҳал қилиш бўйича апелляция кенгашларини ташкил этиш назарда тутилган.

Мазкур Апелляция кенгашларида жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат органлари ёки мансабдор шахсларнинг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари (қарорлари) ёхуд ҳаракатсизлиги натижасида ўз ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатлари бузилганлиги ҳақидаги мурожаатлари кўриб чиқилади [4].

Апелляция кенгашлари ҳам низоларни муқобил ҳал қилиш усуllibаридан бири ҳисобланади. Чунки, кенг маънода давлат судларидан ташқари низоларни ҳал қилишнинг ҳар қандай усули унга нисбатан муқобил ҳисобланади. Шунингдек, Қарорда Апелляция кенгашларига мурожаат қилиш ихтиёрий эканлиги ва мазкур тартиб жисмоний ва юридик шахсларнинг бундай ишлар юзасидан тўғридан-тўғри бошқа ваколатли давлат органларига, шу жумладан судга мурожаат қилиш ҳуқуқини истисно этмаслиги белгиланган.

Апелляция кенгашининг асосий вазифалари сифатида жисмоний ёки юридик шахснинг мурожаатини кўриб чиқиша қонун ҳужжатида турлича талқин этилиши мумкин бўлган нормалар аниқланган, у амалиётда нотўғри ёки зиддиятли тарзда қўлланилган тақдирда, уларни белгиланган тартибда расмий шарҳлашни ташкиллаштириш бўйича чораларни кўриш; шунингдек мурожаатни кўриб чиқиша аниқланган қонун ҳужжатларидаги бўшлиқларни бартараф этиш бўйича таклифлар киритиш белгиланганилиги келажакда юзага келиши мумкин бўлган кўплаб низоларни олдини олишга ҳам хизмат қиласи.

Шу ўринда хорижий давлатларда жисмоний ёки юридик шахслар низоларни муқобил ҳал қилишнинг ўттиздан ортиқ усуllibаридан фойдаланаётганлигини қайд қилиш лозим.

Апелляция кенгашида низоларни ҳал қилиш мамлакатимизда янги механизм эмаслиги ва у Интеллектуал мулк агентлиги тизимидан мавжуд бўлиб, ўз самарасини бераётганлигини таъкидлаш лозим. Ҳозирги кунда Апелляция кенгаши ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг ихтиrolар, фойдали моделлар ва саноат намуналарини, селекция ютуқларини, интеграл микросхемалар топологияларини, товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиқсан жой номларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш билан боғлиқ апелляцияларни судгача кўриб чиқувчи коллегиал органи сифатида амалга ошироқда.

Апелляция кенгаши аъзолигига нафақат амалий тажрибага ва обрў-эътиборга эга давлат органининг марказий аппарати таркибий бўлинмалари раҳбарлари ва ходимлари, балки соҳада катта амалий тажриба ёки илмий салоҳиятга эга бўлган обрўли фуқаролар ҳам қабул қилиниши унинг фаолияти принципларини амал

оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Бундай принциплар қаторига тенг ҳуқуқлилик, холислик, қонунийлик, коллегиаллик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг бирхиллигини таъминлаш; мурожаат этувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя қилиш киради.

Юқорида қайд қилинган давлат органларида ташкил қилинаётган Апелляция кенгашларида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига тааллуқли низолар кўпчиликни ташкил қилишини эътиборга оладиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси вакиллари ҳам Апелляция кенгашларида иштирок этиши мақсадга мувофиқдир.

Буни қандай амалга ошириш мумкин деган табиий савол туғилади. Фикримизча икки хил шаклда Палата вакиллари Апелляция кенгашларида иштирок этиши мумкин: биринчиси, Апелляция кенгаши аъзолигига номзод кўрсатиш орқали доимий равища кенгаш йиғилишларида иштирок этиши; иккинчиси, Палата аъзоси бўлгантадбиркорлик субъектининг вакили сифатида Апелляция кенгашининг муайян йиғилишида қатнашиб, унинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши мумкин.

Ҳозирги кунда Палата вакили Адлия вазирлиги ҳузуридаги Апелляция кенгаши аъзоси ҳисобланади ва у доимий равища кенгаш йиғилишларида иштирок этиб келмоқда. Ушбу амалиётни бошқа давлат органлари ҳам Апелляция кенгашларини тузища кўлласалар фойдадан холи бўлмайди.

Қарорда низоларни муқобил ҳал қилишнинг институционал механизмларини ривожлантириш мақсадида низоларни муқобил усулда ҳал этиш билан шуғулланувчи профессионал медиаторларнинг ўзаро бирлашувига асосланган Медиация маркази ҳамда профессионал медиаторлар, ҳакамлик судлари ва халқаро арбитражларнинг ўзаро бирлашувига асосланган Низоларни муқобил усулда ҳал этиш маркази нодавлат нотижорат ташкилоти сифатида ташкил этилиши ва фаолият юритиши учун ҳуқуқий замин яратилди.

Ушбу Марказлар қўйидаги асосларга кўра нодавлат нотижорат ташкилот сифатида фаолият кўрсатади:

биринчидан, амалдаги медиация ва ҳакамлик судлари тўғрисидаги қонунларда медиаторнинг фаолияти тадбиркорлик фаолияти ҳисобланмаслиги ҳамда ҳакамлик судлари нодавлат органи эканлиги белгиланган;

иккинчидан, нодавлат нотижорат ташкилоти - жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимланмайдиган ўзини ўзи бошқариш ташкилотидир;

учинчидан, Медиация маркази профессионал медиаторларнинг, Низоларни муқобил усулда ҳал этиш маркази эса нафақат профессионал медиаторлар, балки ҳакамлик судьялари ва халқаро арбитрлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда қарорда белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида тузилади.

Шу ўринда амалдаги қонунлар бўйича ҳакамлик судлари ва халқаро арбитражлар юридик шахс мақомига эга бўлмаганлиги сабабли улар нодавлат нотижорат ташкилотларга мустақил бирлаша олмасликларини назарда тутган ҳолда ҳозирги пайтда фақат ҳакамлик судьялари ва халқаро арбитрлар Марказга аъзо бўлишлари мумкинлигини эътироф этиш лозим. Аммо, Қарор нафақат бугунги кун учун, балки келажақдаги ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш учун ҳам замин яратмоқда. Шунинг учун ҳам келажакда ҳакамлик судлари ва халқаро арбитражлар ҳам юридик шахс мақомига эга бўлишлари мумкин. Ўшанда уларда

ҳам ўзаро бирлашиш хуқуқи Конституция [5] нормалариға мос равища пайдо бўлади.

Қарорда Адлия вазирлигига Тошкент давлат юридик университети ва Юристлар малакасини ошириш маркази билан биргаликда Тошкент медиация маркази фаолиятини ташкиллаштириш ҳамда унижаҳоннинг медиация институти ривожланган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, тайёрланган бино ва жиҳозлар билан таъминлаш чораларини қўриш вазифаси юклатилганлигини ижтимоий шерикликнинг шаклларидан бири сифатида нодавлат нотижорат ташкилотни давлат органлари томонидан қўллаб-қувватлаш эканлигини эътироф этишимиз лозим.

Бундай ижобий тажриба низоларни муқобил ҳал қилиш усулларини институционал ривожлантириш бўйича жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида кенг қўлланилади. Бунга Сингапур яққол мисол бўла олади. У ерда низоларни муқобил ҳал қилиш институтлари учун барча шароитлар, шу жумладан замонавий бинолар ва жиҳозлар Адлия вазирлиги ҳомийлигига яратилган. Лекин, бу мамлакатимизда фақат иккита Марказ ташкил қилиниши мумкин эканда деган нотўғри хулоса чиқаришга олиб келмаслиги керак. Чунки Конституциямиз ва амалдаги қонунларда нодавлат нотижорат ташкилотлар сонига нисбатан ҳеч қандай чекловлар қўйилмаган. Шунинг учун ҳам бундай марказларни нафақат ушбу муассислар ва Тошкентда, балки бошқа муассислар томонидан ва мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ҳам ташкил қилиш мумкин.

Марказларнинг вазифаларини шартли равища икки йўналишга ажратамиз: биринчиси, ташкилий вазифалари, яъни медиация, ҳакамлик судлари ва халқаро арбитраж фаолиятига низоларни муқобил усулда ҳал этиш тартиб-таомилини амалга ошириш учун шарт-шароит яратиш; ушбу соҳаларда мутахассисларни тайёрлаш ва малакасини ошириш учун ўқув курсларини ташкил этиш; медиация ва низоларни муқобил ҳал этишнинг бошқа усуллари ривожланиши ва кенг оммалашувига қўмаклашиш, бу соҳада семинарлар, тренинглар ва конференциялар ташкил этиш; иккинчиси, низоларни муқобил ҳал қилишнинг маҳфийлик принципини таъминлашга қаратилган вазифалари, яъни медиация, ҳакамлик суди ва халқаро арбитраж ишларини қўриш билан боғлиқ фаолиятга аралашмаслик принципи асосида иш юритиш.

Бундан ташқари Қарорда Марказлар медиация, ҳакамлик суди ва халқаро арбитраж фаолияти юзасидан адлия органларига ҳисоботлар топширишдан озод этилганлиги юқоридаги вазифага жуда мос эканлигини ҳам қайд қилиш лозим.

Қарорда белгиланган ушбу нормалар муҳим аҳамиятга эга бўлиб, низоларни муқобил ҳал қилишда маҳфийлик принципига риоя қилишнинг кафолати ҳисобланади. Чунки, қонунга кўра медиация иштирокчилари медиация жараёнида ўзларига маълум бўлиб қолган маълумотларни уларни тақдим этган медиация тарафининг, унинг хуқуқий ворисининг ёки вакилининг ёзма розилигисиз ошкор қилишга ҳақли эмас. Медиация иштирокчилари ўзларига медиация жараёнида маълум бўлиб қолган ҳолатлар ҳақида гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши мумкин эмас, шунингдек улардан медиацияга тааллукли ахборотни талаб қилиб олиш мумкин эмас.

Шуни таъкидлаш лозимки, маҳфийлик принципининг бузилишига йўл қўйилиши охир оқибатда низоларни муқобил ҳал қилиш усулларига бўлган ишончни йўқотишга олиб келиши мумкин.

Ҳозирги кунда Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланган Медиаторларни тайёрлаш дастури бўйича маҳсус ўқув курслари Юристлар малакасини ошириш маркази томонидан кундузги шаклда шартнома асосида бир ойдан кам бўлмаган

муддат давомида амалга оширилмоқда [6].

Қарор билан Марказларга низоларни муқобил ҳал қилиш бўйича мутахассисларни тайёрлаш ва малакасини ошириш учун ўқув курсларини ташкил этиш хуқуқи берилди. Бунда, медиаторларни тайёрлаш 72 соатдан кўп бўлмаган ўқув курслари бўйича амалга оширилиши ва уларни муваффақиятли якунлаган тингловчиларга сертификат берилиши муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, тингловчиларга таълим беришни ташкиллаштириш учун: шартнома асосида олий таълим муассасаларининг малакали педагогларини, миллий ва хорижий медиатор, ҳакамлик судьялари ва арбитрларни ҳамда вазирлик ва идораларнинг малакали мутахассисларини жалб этиши мумкинлиги белгиланди.

Бундай мутахассисларни муқобиллик асосида давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан тайёрланиши улар ўртасида соғлом рақобат ва ҳамкорлик имкониятларини кенгайтиришга ҳамда таълим сифати даражасини кўтаришга хизмат қиласди.

Марказларга шунингдек етакчи хорижий медиация ва арбитраж марказлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, низоларни муқобил усуlda ҳал этиш соҳасида тажриба алмашиш, низоларни ҳал этишга хорижий медиаторлар ва арбитрларни жалб этиш хуқуқи берилганлиги тез орада ўзининг ижобий натижаларини бера бошлади.

Қарорда юқоридагиларда ташқари низоларни муқобил ҳал қилишнинг ташкилий ва хуқуқий асосларини янада ривожлантиришга қаратилган бир қатор чоратадбирлар белгиланганилиги дикқатга сазовор.

Биринчидан, Адлия вазирлигига: а) профессионал медиаторлар, ҳакамлик судлари ва халқаро арбитражлар ўртасида Марказлар ташкил этилишининг ижобий тарафлари ҳақидаги тарғибот ишларини ва бу борадаги фаолиятни мониторинг қилиб бориш; б) илгор хорижий тажрибадан келиб чиқиб медиаторларни тайёрлаш бўйича ўқув курсларининг намунавий дастурини ишлаб чиқиш; в) медиация институтининг жиноят процессига татбиқ этилиши мақсадга мувофиқлиги бўйича таклифлар киритиш вазифалари юклатилди.

Иккинчидан, Адлия вазирлиги хузуридаги Давлат хизматлари агентлигига Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда Тошкент шаҳрида эксперимент тариқасида, давлат хизматлари марказлари биноларида низолашувчи фуқароларга медиатор хизматидан фойдаланиш учун алоҳида хоналар ажратиш топширилди.

Учинчидан, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига профессионал медиаторликни касб сифатида Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторига киритиш вазифаси юклатилди.

Тўртингидан, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаси, Олий суди Адлия вазирлиги билан биргаликда профессионал медиаторлар ва ҳакамлик судлари реестрларига киритилган профессионал медиаторлар ҳамда ҳакамлик судьялари тўғрисидаги маълумотларнинг барча суд биноларида жойлаштирилишини таъминлаш бўйича зарур чораларни кўриши белгиланди.

Бешинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ҳамда Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда оммавий ахборот воситаларида низоларни ҳал этишда медиация, ҳакамлик судлари ва халқаро арбитраж институтининг афзалликларига бағишлиланган ижтимоий роликлар, кўрсатув ва эшиттиришларни эфирга узатиш ҳамда аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари эътиборига етказиш чораларини кўриши белгиланди.

Қарорда ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш назарда тутилганлиги бежиз эмас.

Аввало, Ўзбекистон Республикасининг "Медиация тўғрисида" ва "Ҳакамлик судлари тўғрисида"ги Қонунларига, шунингдек, Фуқаролик процессуал кодекси, Иқтисодий процессуал кодекси, "Давлат божи тўғрисида" [7], "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонунларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши лозим.

Хусусан, "Ҳакамлик судлари тўғрисида" ва "Давлат божи тўғрисида"ги Қонунларга қуйидаги нормаларни киритилиши ҳакамлик судлари фаолиятини янада жозибадорлигини оширишга ва унда қўриладиган низолар сонини кўпайтиришга хизмат қилади:

а) "доимий фаолият юритувчи ҳакамлик судлари нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан ташкил этилади ва уларнинг ҳузурида фаолият кўрсатади".

Чунки, ҳакамлик суди юридик шахс мақомига эга бўлмаган нодавлат орган бўлиб, у фойда олишни мақсад қилиб қўймайди, яъни тадбиркорлик фаолияти ҳисобланмайди, шунинг учун ҳам уни нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳузурида ташкил қилиш мақсадга мувофиқ;

б) "доимий фаолият юритувчи ҳакамлик судлари рўйхатида камида етти нафар ҳакамлик судьяси мавжуд бўлган тақдирда, адлия органлари томонидан ҳисоб рўйхатидан ўтказилади".

Ушбу қўшимча ҳозирги кунда умуман фаолият кўрсатмаётган 100 дан ортиқ доимий фаолият юритувчи ҳакамлик судларини қонуний тугатиш ёки қайта жонлантириш, шунингдек тарафларга ҳакамлик судьясини танлаш ҳуқуқини таъминлаш имкониятини кенгайтириш учун асос бўлиб хизмат қилади;

в) "ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза билан ваколатли судга мурожаат қилинганда ҳакамлик муҳокамаси тарафлари давлат божини тўлашдан озод қилинади".

Ҳозирги кунда бундай имтиёзга фақат тадбиркорлик субъектлари эга. Барча жисмоний ва юридик шахсларга (корхона ва муассасалар, нодавлат нотижорат ташкилотларга) ҳам бундай имтиёз берилиши ҳакамлик судлари орқали низоларни ҳал қилиш имкониятини кенгайтириб, ваколатли судларга мурожаатлар сонини камайтиришга хизмат қилади;

г) "ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризани ваколатли суд судьяси якка тартибда суд муҳокамасини ўтказмасдан ва тарафларни чақирмасдан ариза келиб тушган кундан бошлаб беш кун ичida кўриб чиқади".

Чунки ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори юзасидан низолашмаётган тарафни чақириш ва суд муҳокамасини ўтказиш ваколатли суд учун ҳам ортиқча иш ҳажмини ошишига сабаб бўлади. Шунингдек, таъкидлаш лозимки, ваколатли судлар ҳам ўзлари томонидан қабул қилинган ҳал қилув қарорлари бўйича ижро варақасини суд муҳокамаси ўтказмасданбеш кун ичida беришади.

Хулоса қилиб айтганда низоларни муқобил ҳал этишнинг механизmlарини янада такомилластириш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг маҳсус қарори қабул қилинганлиги мамалакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларга ҳамоҳанг бўлиб, бозор иқтисодиёти шароитида фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтиришга хизмат қилади.

References/Иқтибослар/Сноски

1.Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 42-сон, 416-модда; 2014 й., 20-сон, 222-модда; 2017 й., 37-сон, 978-модда; Қонун ҳужжатлари

маълумотлари миллий базаси, 30.01.2018 й., 03/18/463/0634-сон; 21.03.2019 й., 03/19/531/2799-сон. (Database of Legislative Acts of the Republic of Uzbekistan, 2006, No. 42, Article 416; 2014, No. 20, Article 222; 2017, No. 37, Article 978; National database of legal documents, January 30, 2018, No. 03/18/463/0634; 21.03.2019, 03/19/531/2799)

2. Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.07.2018 й., 03/18/482/1447-сон; 30.07.2019 й., 03/19/551/3493-сон; 15.01.2020 й., 03/20/602/0052-сон. (National database of legal documents, 04.07.2018, 03/18/482/1447; 30.07.2019, No. 03/19/551/3493; 15.01.2020, 03/20/602/0052)

3. Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.06.2020 й., 07/20/4754/0771-сон. (National database of legal documents, 18.06.2020, No. 07/20/4754/0771)

4. Жисмоний ва юридик шахслар ҳамда давлат органлари ўртасидаги низоларни судгача ҳал қилиш бўйича апелляция кенгаши тўғрисида НИЗОМ // Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.06.2020 й., 07/20/4754/0771-сон. (Regulations on the Board of Appeals for the pre-trial settlement of disputes between individuals and legal entities and government agencies // National Database of Legal Acts, 18.06.2020, No. 07/20/4755/0771)

5. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 й., 1-сон, 5-модда; Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.03.2019 й., 03/19/527/2706-сон, 05.09.2019 й., 03/19/563/3685-сон. (Constitution of the Republic of Uzbekistan // Bulletin of the Supreme Council of the Republic of Uzbekistan, 1994, No. 1, Article 5; National database of legal documents, 06.03.2019, 03/19/527/2706, 05.09.2019, 03/19/563/3685)

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2019 йил 31 январдаги 54-мҳсон буйруғи билан тасдиқланган Медиаторларни тайёрлаш дастури // Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.02.2019 й., 10/19/3134/2554-сон. (6. The program of training of mediators, approved by the order of the Minister of Justice of the Republic of Uzbekistan from January 31, 2019 of No. 54 // National database of legal documents, February 1, 2019, No. 10/19/3134/2554)

7. Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.01.2020 й., 03/20/600/0023-сон, 14.03.2020 й., 03/20/610/0299-сон, 21.05.2020 й., 03/20/619/0622-сон. (National database of legal documents, 07.01.2020, 03/20/600/0023, 14.03.2020, 03/20/610/0299, 21.05.2020, 03/20/ No. 619/0622)